


Photoshop курси бўйича амалий машғулотлар тўплами 4_1



23-ДАРС. ЯЛТИРАШ ЭФФЕКТИНИ ҚЎШИШ.


1-қадам. Ялтираётган нукталар қўшмоқчи бўлган расмингизни очинг. **Brush** (Мўйқалам) аслаҳасини танлаб **Options** (Параметрлар) панелидан **Brush Picker** ойнасини очинг. Ушбу ойнанинг очилувчи менюсидан **Assorted Brushes** (Эркин шаклдаги мўйқалам) пунктини танланг ва бунда шу мўйқаламлар тўплами юкланади. **Append** (Қўшиш) тугмасини босинг ва ушбу мўйқаламлар тўплами андозадаги мўйқаламлар кутубхонасига қўшилади.



2-қадам. Янги қатлам ҳосил қилинг ва оқ ранг асосий ранг бўлиши учун бирма-бир <d> ва <x> тугмаларини босинг. **Brush** (Мўйқалам) дан фойдаланган ҳолда қаерга ялтироқ нукталар қўймоқчи бўлсангиз ўша ерга босинг. Чизиш керак эмас, шунчаки боссангиз бўлди.




3-қадам. Ялтироқ нукталарни қўшганингиздан сўнг **Brush Picker** (Мўйқалам танлаш) ойнасини очиб мўйқаламлар тўпланининг тепасига чиқинг ва 27 пиксел ўлчамга эга юмшоқ қиррали мўйқаламни танланг. Визуал эффектни кучайтириш учун ҳар бир ялтироқ нуктанинг марказини (сичконча ёрдамида) чертиб чиқинг.




24-ДАРС. ОБЪЕКТ РАНГИНИ ЎЗГАРТИРИШ.

1-қадам. Сиз рангини ўзгартирмоқчи бўлаётган нарса тасвирини очинг. Фон қатламини <Ctrl+J> тугмалари мажмуаси билан иккилантинг.



2-қадам. **Image** (Тасвир) менюсидан **Adjustments > Hue/Saturation** (Созламалар > Тус/Тўқлик) буйруғини танланг. Очилган мулоқот ойнасида **Colorize** (Тонирование) ни белгиланг ва **Hue** (Тус) ползуноқини керакли рангни танлаш учун ҳаракатлантинг. Ранг мўллигини ошириш учун **Saturation** (Тўқлик) ползуноқини ўнгга силжитинг. **OK** тугмасини босинг ва ранг бутун бир қатламга ўрнатилади.



3-қадам. <Alt> тугмасини ушлаб турган ҳолда **Layers** (Қатламлар) мажмуасида **Add a layer style** (Қатлам никобини қўшиш) нишончасини чертинг. Ҳаворанг қатлам устига қора ниқоб қўйиш билан ҳаворанг тусни беркитишга эришамиз. Асосий ранг сифатида оқни танлаб **Brush** (Мўйқалам) аслаҳасини активлаштиринг ва **Options** (Параметрлар) панелидан **Brush Picker** (Мўйқалам танлаш) ойнасини очинг ва юмшоқ қиррали мўйқаламни активлаштиринг. Гитара расмини бўяшни бошланг, бунинг натижасида ҳаворанг тусдаги қатлам бўшаб боради. Агарда кейинроқ объект рангини ўзгартриш керак бўлиб қолса, **Layers** (Қатламлар) мажмуасидан ранг қатламини нишончасини чертинг, **Image > Adjustments > Hue/Saturation** (Тасвир > Созламалар > Тус/Тўқлик) буйруғини танлаб **Colorize** (Тонирование) ни белгиланг ва **Hue** (Тус) ползуноқи ўрнини ўзгартиринг.




25-ДАРС. ОЙНАИ ЖАҲОН ЧИЗИҚЛАРИ ЭФФЕКТИ.

1-қадам. Ойнаи жаҳон чизиқлари эффекти туширилиши керак бўлган тасвирни очинг. **Layers** (Қатламлар) мажмуасининг куйи қисмидаги **Create a New Layer** (Янги қатлам яратиш) нишончасини чертинг. Асосий ранг сифатида кулрангни танлаб янги қатламни <Alt+Backspace> тугмалари ёрдамида ана шу ранг билан тўлдилинг.



2-қадам. Асосий рангни қора деб белгилаб олиш учун <d> тугмасини босинг, бунда фон ранги оқлигича қолади. **Filter > Sketch** (Фильтр > Ҳомаки нусха) менюсидан **Halftone Pattern** (Нуктали нақш) буйруғини танланг. Очилган мулоқот ойнасида **Size** параметри учун 1 қийматини, **Contrast** (Контраст) учун 5 ва **Pattern Type** (Нақш тури) очилувчи рўйхатидан **Line** (Чизиқли) қийматини белгиланг.



3-қадам. **OK** тугмасини босинг ва кулранг қатламга кетма-кет давомли чизиқчалар жойлашганини кўрасиз. Агар ушбу қаторчаларни тасвирга хос тарзда жойлашиш эффектини яратишни истасангиз **Layers** (Қатламлар) мажмуасидан фон қатлами учун **Multiply** (Кўпайтириш) ётқишиш режимини танланг. Кейин, чизиқчалар жудаям ёрқин бўлиб кетмаслиги учун ушбу қатлам учун **Opacity** (Нур ўтказмаслик) параметри қийматини камайтиринг (ушбу ҳолатда биз 30% қийматини белгиладик).



